# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ХХI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 10 (9.660) 2002 йил 23 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## 27 январь — умумхалқ референдуми куни

*Тошкент Давлат консерваторияси биносида жойлашган 77-участкада умумхалқ референдумига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Сураткаш мухбиримиз Сергей Любчич тасвирида участка комиссиясининг раиси Аваз Мансуровнинг консерватория катта ўқитувчиси, участка комиссиясининг аъзоси Л. Обидова, талаба М. Норматова билан референдумга тайёргарлик хусусида маслаҳатлашаётган пайти акс этган.*



## Учрашувлар, мулоқотлар

Мирзо Улуғбек туманидаги 15-шаҳар клиник шифохонасига жойлашган 147-референдум участкасида шифокорлар ва талабалар иштирокида умумхалқ референдумига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Раҳима Юсуфалиева референдумнинг аҳамияти, бу муҳим сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва уни ўтказиш қонун-қоидалари ҳақида гапирди.

Тадбирда туман оқсоқоллар кенгаши раиси Сайфулла Оқмирзаев, шифохона неврология бўлими мудири Абдуғофур Маликов, бош ҳамшира Мавжуда Юнусовалар ҳам сўзга чиқиб, 27 январь куни ўтказиладиган референдум жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг фикрини аниқлаш, халқ иродасининг ифодаси эканлигини айтиб ўтдилар.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўла жавоб олдилар.

* * *

Акмал Икромов туманидаги Ҳамза маҳалласи идораси куни кеча ушбу маҳалла аҳли, айниқса референдумда биринчи марта овоз беришга шайланаётган ёшлар билан гавжум бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғини ташаббускор гуруҳи томонидан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан маҳалла оқсоқоли Ўктам Ўринбоев, меҳнат фахрийси Лутфи Халилова, Акмал Бадалов ва бошқалар референдумнинг халқ иродасини кенг, тўғридан-тўғри намоён этувчи восита сифатида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик жамият қуриш йўлидаги муҳим жараён бўлишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шунингдек, йиғилиш давомида тўпланганларни қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоблар қайтарилди.

* * *

Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласи ҳудудидаги 315-мактабда жойлашган 232-референдум участкаси ҳам 2870 киши овоз берувчи йирик ҳудудлардан саналади. Шу сабабдан мактаб залида умумхалқ референдумига бағишланган учрашув аҳоли билан жуда гавжум бўлди.

Унда Тошкент Давлат техника университетининг Маънавият ва маърифат бўйича проректори Улуғбек Ҳайитов сўзга чиқиб референдумнинг моҳияти ва унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти, уни ўтказиш қоидалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, «Аҳил» маҳалласи оқсоқоли Норхўжа Раҳимхўжаев, фаоллардан Эргаш Собиров, Абдужалил Фозиловлар ҳам халқ ҳоҳиш-иродасининг ёрқин ифодаси бўлмиш референдумни намунали ташкил этиш, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари қандай амалга оширилаётгани тўғрисида сўзлаб бердилар. Йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Олий Мажлис томонидан 27 январь кунига белгиланган референдумни ўтказиш билан боғлиқ масала муҳокама этилди.***

Марказий сайлов комиссияси раиси Абдурафиқ Аҳадов республикамизда амалга оширилган тайёргарлик ишлари ҳақида маълумот бериб, референдумни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда барча давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида айтиб ўтди. Йиғилишда маъруза қилган Комиссия раисининг ўринбосари Сайёра Хўжаева референдумда қатнашадиган фуқаролар ташаббус гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлат ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрадиган кузатувчилар ҳақида маълумот бериб, овоз берувчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари учун барча шароит яратилиши лозимлигини таъкидлади. Тегишли давлат идораларининг раҳбарлари референдум куни жамоат тартибини сақлаш ҳамда алоқа тизимининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Шунингдек, йиғилишда Тошкент шаҳри, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида умумхалқ референдумини ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида тегишли округ комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 27 январь — якшанба куни мамлакатимизда қуйидаги икки масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади:

Биринчи масала: Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Иккинчи масала: Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Референдумга қўйиладиган иккала савол ҳам битта овоз бериш бюллетенига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин бўлиб, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Овоз бериш муддати соат олтида бошланади ва соат йигирмада тугайди.

Овоз бериш биносига келгач, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан сўнг унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор бир сабаб билан фамилияси рўйхатга кирмай қолган фуқаролар шахсини ҳамда турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

Бюллетенни олгач, фуқаро яширин овоз бериш хонасига киради.

Бюллетенда уни тўлдиришнинг тартиби тўғрисида тушунтириш ёзиб қўйилган. Фуқаро референдумга киритилган масалани маъқулласа, бюллетендаги таъриф матнини ўчирмайди, аксинча қарши овоз берадиган бўлса, таъриф матнини ўчиради.

Шундан сўнг фуқаро овоз бериш хонасидан чиқиб, бюллетенни овоз бериш қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз турар жойидаги референдум ўтказувчи участка комиссиясидан ҳисобдан чиқиш гувоҳномасини талаб қилиб олиши мумкин, бу гувоҳнома уни референдум ўтказувчи бошқа ҳар қандай участкада овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишлари учун асос бўлади.

Референдум тўғрисидаги Қонунда бюллетенни мустақил равишда тўлдиролмайдиган, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериладиган бинога келолмайдиган фуқароларнинг ҳам овоз беришда иштирок этишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган. Фуқаролар референдумда қатнашиши билан боғлиқ шу сингари ҳамда бошқа масалалар бўйича турар жойлардаги участка комиссияларига мурожаат этишлари мумкин.

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этиши воситаси бўлиб, ҳар биримиздан юксак масъулият билан ёндашишни талаб этади. Референдумда фаол қатнашиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ
БЮЛЛЕТЕНИ
БЮЛЛЕТЕНЬ
ДЛЯ ГОЛОСОВАНИЯ
НА РЕФЕРЕНДУМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

676

2002 йил 27январь — 27января 2002 года

ТОШКЕНТ ШАҲАР РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГИ

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Согласны ли Вы с избранием в следующем созыве двухпалатного парламента Республики Узбекистан?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Согласны ли Вы с изменением конституционного срока полномочий Президента Республики Узбекистан с пятилетнего на семилетний?

*Ёқлаб овоз берилганда саволнинг матни ўчирилмайди.*
*Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчирилади.*

*При голосовании "за" текст вопроса не зачеркивается.*
*При голововании "против" текст вопроса зачеркивается.*

*Изоҳ:* Тошкент шаҳар референдум округи бюллетени намуна сифатида берилмоқда.



***Пойтахтимиздаги 15-касалхона биносида жойлашган 147-участкада ҳам 27 январь куни ўтказиладиган умумхалқ референдумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.***

**СУРАТДА: участка комиссиясининг раиси Абдуғофур Маликов ва комиссия раисининг ўринбосари Фарида Азизовалар ўзаро мулоқот пайтида.**

**Тоҳир Нигматуллин олган сурат.**

## Демократиянинг ёрқин ифодаси

**Бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеа ҳисобланмиш умумхалқ референдумига тайёргарлик жараёнида республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар жойларда анжуманлар, семинарлар, аҳоли билан учрашувлар ўтказишмоқда.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. 27 январь куни ўтказиладиган референдум муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда «Сиёсат» ва «Истиқбол» клублари, МК экспертлар гуруҳи аъзолари, партия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И. Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси профессори Р. Раззоқов ва бошқалар кўриб чиқилган мавзуга оид ўз фикр- мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

* * *

Ўзбекистон «Адолат» социал -демократик партиясининг референдумга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишда сўзга чиққан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов референдумнинг моҳияти, мақсади ва аҳамияти ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий кенгаши аъзолари, пойтахт шаҳар ва туманлари партия кенгашларининг етакчилари, партия фаоллари ҳамда хайрихоҳлари иштирокида кўтаринки руҳда ўтказилган мазкур йиғилишда иқтисод фанлари доктори, профессор Санъат Воҳидова, иқтисод фанлари номзоди Абдулла Ортиқов бу долзарб, муҳим ҳаётий масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, партиянинг кенг омма ўртасида тушунтириш ишларини кўрсатиб ўтдилар, олдинда турган асосий воқеаларга йиғилганларнинг эътиборини қаратдилар.

* * *

Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Акмал Икромов тумани Оқтепа маҳалласи аҳли билан референдумга бағишланган учрашув ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис депутатлари — ФМДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Турсунов, Марказий Кенгаш аъзоси М. Мирaлимов ва бошқалар бўлажак референдумни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тарихий воқеа сифатида баҳолаб, икки палатали Парламент тизимига ўтилиши ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, кучли давлатдан кучли демократик жамият сари интилишларимизда ғоят катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Худди шундай учрашув Сергели туманидаги 8-мактабда «Наврўз» маҳалласи аҳли билан ҳам ўтказилди.

Учрашувларда референдум моҳиятини тушунтириш билан бир қаторда тўпланганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарилди.

* * *

Бундай қизиқарли учрашув ва жонли мулоқотлар шаҳримизнинг жамоат ташкилотлари, корхона ва муассаларида ҳам қизғин давом этмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Муҳим қадам

**Мамлакатимиз истиқболида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар халқ ҳукмига ҳавола этилаётган қутлуғ кунлар арафасида биз айрим ҳамшаҳарларимизнинг умумхалқ референдумига муносабатларини, фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.**

**Фатхулла РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси:**

— 80 йиллик ҳаётим давомида жуда кўп мураккаб даврларни ҳам, дориломон кунларни ҳам бошимдан ўтказдим. Фақат мустақилликнинг халқимизга рўшнолик, ёруғлик ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб нурли келажагини қуриш учун кенг имкониятлар очганининг гувоҳиман. Бинобарин 27 январда ўтказиладиган умумхалқ референдумида ҳам фаоллик кўрсатаман.

**Равшан ЁҚУБОВ,**
**Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласи фуқароси:**

— 27 январда ҳаётимда илк бор республикамиз миқёсидаги муҳим масалага овоз бериш учун чиқаман. Жаҳон тараққиёти тажрибалари орқали ўзининг энг яхши сифатларини кўрсатган икки палатали парламентни ташкил этиш ҳамда республикамиз Президенти ваколатларини узайтириш республикамиз келажаги тараққиёти йўлидаги муҳим омиллардан эканлигини тушуниб етдим. Умуман, юртимизда демократик тамойиллар барқарорлашиб бораётганидан барчамиз мамнунмиз.

## Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, террорчиликка қарши кураш ҳамда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франкс бошчилигидаги делегация **кеча** Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан ҳам учрашди.

● Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг 2001 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

● Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2001 йилдаги фаолият якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳукумат комиссиясининг бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссиясининг мажлиси ўтказилди.

● Республика Марказий банкида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Адлия вазирлигида акциядорлик жамиятлари ва акциядорлаштиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

● «Ин-Аудит» ва «Холис-аудит» умуммиллий аудиторлик компанияларининг таъсисчилари йиғилиши бўлиб ўтди.

● Андижондаги «ЎзСемЮнг» қўшма корхонасида «Матиз» автомобили учун ёнилғи бакларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Пойтахтимиздаги «Шодлик палас» меҳмонхонасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Германиянинг Кредитанштальт фюр Видерауфбау (КфВ) банки билан ҳамкорликда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, ахборот технологияларини жорий этиш бўйича янги лойиҳани ривожлантиришга бағишланган семинар ўтказди.

● Андижонда бўлиб ўтган таъсис анжуманида спортнинг янги тури федерацияси — каратэ турларидан бири хачио-кай федерацияси тасдиқланди.

## Жаҳонда

● **Кеча** Токиода Афғонистон иқтисодиётини тиклаш масаласига бағишланган халқаро конференция ўз ишини ниҳоясига етказди. Икки кун давом этган ушбу конференцияда 60 мамлакатдан делегациялар иштирок этди. Қабул қилинган якуний ҳужжатда Афғонистонни қайта тиклашга ёрдам кўрсатиш муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатнинг Муваққат ҳукумати жаҳон ҳамжамиятидан 4,5 миллиардга яқин АҚШ долларини олади. Шу маблағнинг 1,8 миллиарди жорий йилда берилади.

● Афғонистондаги Франция тинчликпарвар кучларининг умумий сони яқин кунларда 550 нафарга етади. Бу ҳақда Франция ҳарбийларининг Кобулдаги қуролли кучлари штаби бошлиғи генерал Жан-Пьер Кельк маълум қилди.

● Гуантанамо (Куба)да жойлашган Америка ҳарбий денгиз базасига «Ал-Қаида» экстремистик гуруҳига қарашли яна 34 асир олиб келинди. Сўнгги хабарларга қараганда, у ердаги асирларнинг умумий сони 144 тага етган.

● «Толибон» ҳаракати раҳбари Мулла Муҳаммад Умар айни вақтда Афғонистонда яшириниб юрибди. Қандаҳор шаҳри ҳокими Гул Оғанинг айтишича, пуштун қўшинлари уни ҳибсга олиш учун ҳаракат қилаётган бўлса-да, лекин Мулла Умар жойдан-жойга кўчиб, манзилини тез ўзгартиряпти. Лекин, Гул Оға уни албатта қўлга туширилишини айтмоқда.

● Эрон ички ишлар вазири Озарбайжонга ташриф билан келди. Унинг Озарбайжон ички ишлар вазири билан учрашуви пайтида икки томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

● Женевада беш йиллик танаффусдан сўнг қуролсизланиш бўйича халқаро конференция яна ўз ишини бошлади.

● Шри-Ланка ҳукумати тамил айирмачиларига қарши жанговар ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги қарорининг ижро муддатини яна бир ойга узайтирди. Бу қарама-қарши томонлар ўртасида музокараларни тиклашга катта ёрдам беради, деди ҳукумат вакили.

● Ироқ ташқи ишлар вазирлиги вакили Эрон уч кун ичида ироқлик олти юз нафар ҳарбий маҳбусни озодликка чиқаришини маълум қилди. Унинг айтишича, маҳбусларни айирбошлаш тадбири Халқаро қизил хоч қўмитаси кузатувида ўтказилади.

● Ироқ ҳукумати раҳбари Саддам Ҳусайн АҚШнинг эҳтимолли ҳужумидан ҳимояланиш мақсадида аҳолини оммавий кўчиришни бошлаб юборди. Куни кеча ўтказилган кенгаш йиғилишида Саддам Ҳусайн америкаликларнинг ҳужумига қарши туриш ва аҳолини бўлғуси хавфдан сақлаш мақсадида қилинажак ишларни гаплашиб олди.

● Россия Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги вакилининг Аслан Масхадовнинг вакили Аҳмад Закаев билан яқинда ўтказган учрашуви муносабати билан Буюк Британияга норозилик билдирди.

● Махачқалъада янги террорчилик ҳаракати содир этилди — номаълум жиноятчилар Доғистон пойтахти ҳокимининг ўринбосари Аҳмад Алиевни ва унинг рафиқасини отиб ташладилар.

● Доғистон пойтахти Махачқалъада навбатдаги террорчилик ҳуружи амалга оширилди. 30 нафар ҳарбийлар тушган машина ҳаммом томон йўл олганда, дафъатан портлатиб юборилди. Натижада беш аскар ҳалок бўлди, кўпчилик касалхоналарга ётқизилди.

● Испанияда ҳарбий самолёт қулаб тушди. Самолёт ичидаги учта ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

● «Курск» сувости кемаси ичидан яна бир денгизчининг жасади топилган. Бу ҳақда Шимолий Флот ҳарбий прокурори Владимир Мулов хабар қилди. Шундай қилиб, кемадан топилган денгизчиларнинг жасади 92 тага етди.

● Москва шаҳрида ўтган дам олиш кунлари кучли совуқ натижасида беш киши ҳалок бўлган ва 42 киши шифокорлар ёрдамига муҳтож бўлиб, касалхоналарга келтирилган. Қиш мавсумида Россия пойтахтида совуқдан ҳалок бўлганлар ҳаммаси бўлиб 314 тани ташкил этди. Шунингдек, Владивосток шаҳрида ҳам кучли қор бўронлар натижасида мактабларда ўқув машғулотлари тўхтатилган.

● Конго Демократик Республикасидаги вулқоннинг отилиши оқибатида кўплаб аҳоли ўз уй-жойларини тарк этмоқда. БМТ ушбу қочоқларга ичбуруғ касаллиги таҳдид солаётганидан хавотирда эканлигини билдирган.

● Парижда ўтказилган матбуот анжуманида таниқли актёр Ален Делон бир умрга кинематография билан хайрлашажагини айтган.

● Жаҳонга машҳур боксчи Муҳаммад Али ўз таваллудининг 60 йиллигини нишонлади. Олимпия чемпиони, кейинчалик профессионаллар орасида бир неча бор чемпион бўлган чарм қўлқоп устаси ўз ҳаётидан мамнун эканлигини билдирди. У Англия телекомпанияси «Би-Би-Си»нинг 2000 йилда уни «Аср спортчиси» деб тан олганлиги умридаги унутилмас воқеалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

● **Кеча** АҚШнинг Лас-Вегас штатида «Темир мушт» номини олган Майк Тайсон ҳамда британиялик Леннокс Льюис ўртасида бўладиган жанг муддати 6 апрель куни деб эълон қилинди. Ҳар иккала боксчи учрашувдан 17,5 миллион АҚШ долларидан пул олишади.

● Бразилиялик афсонавий футболчи, ҳақиқий исми Эвалдо Изидио Нетто бўлган Вава 67 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У ўз даврида футбол қироли Пеле ҳамда Гарринчалар билан майдонга тушиб, марказий ҳужумчи вазифасини юксак даражада адо этган эди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

# Якунлар ва режалар

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ижтимоий, жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар ҳамда Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуаларнинг 2001 йилги фаолият якунлари ва келгуси режаларига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.**

Шуни таъкидлаш кераккии, ҳисобот даврида ижтимоий соҳанинг барча тизимидаислоҳотлар давом эттирилиб, қатор самарали натижаларга эришилди. Халқ таълими, ўрта махсус ўқув юртлари ўқув жараёнига янги йўналишлар жорий қилинди, шу жумладан Конституцияни ўрганиш ва миллий истиқлол ғояси бўйича фанлар асосида 8 мингдан зиёд умумтаълим ўқитувчилари малака ошириш институтида ҳамда хорижий ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган семинар машғулотлар орқали ўз билимларини оширишга муваффақ бўлди.

Ўрта махсус ўқув муассасаларида жорий қилинган хўжаликлар асосида ҳисобот даврида 21 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 61 миллион сўмга тенг пуллик хизмат кўрсатилди. Амалиёт дарслари бўйича талаба-ўқувчиларга 50 миллион сўмга яқин иш ҳақи тўланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалий ишлар олиб борилди. Жорий йилда 210 мингга яқин аҳолига даволаш-профилактика хизмати кўрсатилди. Бундан ташқари, 15 та хўжалик ҳисобидаги муассаса орқали 377 миллион сўмлик тиббиёт хизмати амалга оширилди. Пойтахтда неврология, кардиология, гастроэндокринология марказлари ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда ҳар бир туманда оилавий шифохоналар мавжуд бўлиб, 2001 йилда тажриба тариқасида Акмал Икромов туманидаги 8-оилавий шифохона оила шифокори тизимида фаолият юритди. Унинг натижалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан шу йилдан бошлаб шаҳардаги 12 та шифохонада оила шифокори тизими жорий қилиниши режалаштирилди ва бу борада жойларда аниқ йўналишлар бўйича амалий ишлар бошланди.

Бироқ, шу билан бирга ҳали қилинадиган ишлар, ечимини топмаган муаммолар, ҳам йўқ эмас. Ва ҳозирги кунда профилактик муассасаларни тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, аҳолининг арзон нархлардаги дори-дармонга эҳтиёжини қондириш борасида фармацевтика саноатини маҳаллий хом ашё асосида ривожлантириш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш борасида босқичма босқич уларни ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтказиш жараёнини давом эттириш билан барча қариялар, балоғатга етмаган ёшлар ҳамда ёш оилаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишида имтиёзларни сақлаб қолиш бўйича тегишли чора-тадбирлари ҳам эътибордан қолиши керак эмас.

Кенг жорий қилиниши кўзда тутилган оила шифокори амалиёти бу борада ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бироқ, айниқса болалар ва катталарга биргаликда кўрсатиладиган тиббий ёрдам бўйича мутахассислар малакаси ҳақида алоҳида ўйлаб кўриш зарур бўлади.

Айтиб ўтиш жоиз, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ўртасида ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда 540 мингга яқин оналар саломатлиги ўзаро ҳамкорликдаги назоратда. «Она ва бола» давлат дастурига биноан репродуктив ёшдаги 98,1 фоиз аёллар соғломлаштирилди ва 94 фоиз ўсмир қизлар диспансеризациядан ўтказилди. Барча туманларда келин-куёвларни руйхатдан ўтказиш бўлимлари билан биргаликда жорий йилда янги оила қуриш арафасида турган ёшларнинг 58 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Аммо бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 15 фоизга кам бўлгани кузатилди. Бу дегани ҳар бир оилага кириб бориб, ёшлар ўртасида никоҳ олдидан дастлабки тиббий кўрикдан ўтиши муҳимлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозимлигидан далолат беради. Шубҳасиз, бу борада ҳам оила шифокори тизими ўз ижобий натижаларини беради.

Қолаверса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида яқин кунларда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан янги лойиҳа устида иш бошланган. Унга асосан «Маҳалла» жамғармаси ва германиялик ҳамкорлар билан уч томонлама коалиция тузиш мўлжалланган.

Умуман олганда, жамоат ташкилотлари ичида «Маҳалла» жамғармаси энг фаол ва юқори поғонада десак муболаға бўлмайди. Маълумки, республикамизда мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш сиёсати илгари сурилиб, бугунги кунга қадар бир нега жамоат ташкилотлари яхлит тизими яратилган ва уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доираси кун сайин ошиб бораётгани ҳам сир эмас.

Айниқса ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга кўп қиррали маҳаллий ҳокимият ваколатлари берилган. Улар нафақат ташкилий масалалар, балки аҳолининг барча зарур ижтимоий муаммолари, шу жумладан моддий ва маънавий муаммоларини ҳам ҳал қилишда ваколатли фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фақат маҳалла тизимидан эмас, бошқа жамоат ва нодавлат тузилмалари мавқеидан ҳам фойдаланиш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда, яъни «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказлари фаоллигини ошириш даркор. Шунингдек, кўпчилик томонидан сайлаш йўли билан ташкил қилинаётган ширкатлар ҳам фаолияти уй-жой бўйича коммунал ишларини такомиллаштиришга, ободонлаштириш ишларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалаларига йўналтиришида авваламбор бор аҳолининг иштирокини сезиларли даражага кўтариш керак.

Бундан ташқари, ташкилий ишларда сиёсий партиялар кучини сафарбар қилиш, уларни ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кўрсатаётган ташаббуслари ҳам кўпчилик томонидан эътироф этилиши пировардида барча соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ва режалаштирилган вазифаларни амалга оширишда ўз салмоқли натижасини беради.

Шаҳар мажмуаларининг йил якунларига бағишланган йиғилишда қилинган ишлар натижалари билан бир қаторда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида айнан юқорида келтирилган масалаларга эътиборни қаратиш, яъни давлат идораларининг бошқа тизимдаги ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, айниқса жойларда жамоат ташкилотлари фаолиятини жонлаштириш орқали кўзланган мақсадларга эришиш даркорлиги таъкидлаб ўтилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**ИҚТИСОДИЁТ**

# Харажатларни камайтирай десангиз...

**Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хонадонларимизга газ ва сув ўлчаш мосламалари ўрнатсак харажатларимиз бир неча баробарга камаяр экан. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизда газ ва сув ўлчаш асбобларини ишлаб чиқарувчи бир нечта қўшма корхоналар самарали фаолият олиб бормоқдалар. Ана шундай корхоналардан бири шаҳримизда жойлашган «Toshkent Zenner» Ўзбекистон—Германия—Люксембург қўшма корхонасидир.**






Мазкур корхона 1999 йили мамлакатимиздаги аҳоли ҳамда ташкилотларга зарур бўлган совуқ, иссиқ сув ва иссиқлик қувватини ўлчагичларини етказиб бериш мақсадида ташкил этилди. Унинг низом жамғармаси бир миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ойига 10 мингга яқин маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Корхона муассисларидан бири ҳисобланмиш Германиянинг «Zenner» фирмаси 100 йиллик иш тажрибасига эга бўлиб, жаҳондаги шу каби маҳсулот ишлаб чиқарувчи энг йирик бешта компаниялардан бири ҳисобланади. Шунингдек машҳур бу фирманинг дунёнинг кўпгина мамлакатларида филиаллари бўлиб, улар ҳам ўз навбатида сифатли, жаҳон талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларнинг олқишига сазовор бўлиб келишмоқда.

— Бугун тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон учун бундай асбоблар жуда керак. Бунда биринчи навбатда қанчадан-қанча машаққатлар эвазига тайёрланаётган ичимлик ёки иссиқ сув тежалса, иккинчидан корхоналар ва аҳолининг оила бюджетидаги харажатлар 2—3 баробарга камаяди, — деди корхонанинг бош директори Вилли Хубер. — Корхонамизга энг сўнгги замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, бу дастгоҳлар ўлчагичларнинг сифатини, чидамлилигини ва аниқ ҳисоб-китобини таъминлайди. Шу сабаб ҳам маҳсулотларимизнинг сифати кафолатланган бўлиб, у мунтазам равишда назорат қилиб турилади. Ҳозирда бу ўлчагичлар республиканинг барча вилоятларида самарали хизмат қилиб келмоқда. Агарда улар бузилиб ёки таъмирталаб бўлиб қолса корхонамиз қошида очилган сервис марказида қайта таъмирлаб берамиз. Айни дамда биз «Сувсоз», «Тошиссиқ-қуввати» каби бирлашмалар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Шунингдек шаҳардаги боғча, мактаб ва шифохоналарга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жадвали бўйича ҳисоблагичлар ўрнатиб, таъмирлаш ишларига ҳам ёрдам бериб борамиз.

— Корхонамизнинг муассис ва дирекцияси ушбу маҳсулот деталларини маҳаллийлаштириш борасида изланишлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, фаолиятимизнинг илк кунларида барча зарур хом ашё ва деталлар четдан келтирилган бўлса, эндиликда эса бу хом ашёларнинг 60 фоиздан кўпроғи ўзимизда тайёрланмоқда. Ушбу деталларни тайёрлашда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти ҳамда «Тоштўқимачимаш» заводи яқиндан ёрдам бермоқдалар, — деди корхона бош мутахассиси Равшан Раҳимов. — Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган деталлар чет элникидан сира қолишмайди. Эндиги мақсад эса қолган деталларни ҳам иложи борича тезроқ маҳаллийлаштиришдан иборат.

Мутахассислар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси ўз ишларининг пухта билимдонлари. Фаолиятимизни бошлашдан аввал 4 нафар муҳандис Германияга бориб тажриба алмашиб келди. Шунингдек ҳар йили бошқа ишчиларимиз ҳам «Ўздавстандарт»нинг малака ошириш марказига ўқишга юборилади. Шу билан бирга германиялик мутахассис ва экспертлар режаланган вақтда келиб, иш жараёнини назоратдан ўтказиб туради. Бу эса ишимизнинг янада самарадорлигини оширади.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

**СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланган сув ўлчагич асбоби; ярмаркаларда корхона маҳсулотларининг намойиши.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

# АСОСИЙ ВАЗИФА

**Ҳиссадорлик жамиятимизда елкама-елка туриб, 17 миллат вакилларидан иборат 1201 нафар киши меҳнат қилмоқда. Корхонамизнинг мунтазам ишлаб туриши натижасида кўрган фойдамиз тобора ошиб бормоқда.**

Чунончи, 2000 йил натижалари бўйича ходимларимизга берган 13-ойлик мукофот пули 26796000 сўмни, 2001 йилнинг ўтган 10 ой мобайнида навбатдаги меҳнат ҳордиғига чиқиб кетаётган ҳар бир ходимга «Жамоа шартнома»сига асосан бериладиган бир ойлик маошига тенг бўлган моддий ёрдам пули 12000000 сўмдан ошиб кетди. Ундан ташқари ходимларимиз бошига тушган турли ташвишларга кўра алоҳида ажратиб берилган моддий ёрдам 5791000 сўмни ташкил этди. Ҳиссадорлик жамиятимизнинг қимматбаҳо (акция) қоғозига эга бўлган ҳар бир аъзоси ҳар бир акциясига олган фойда (дивидент) пули 2000 йил натижалари бўйича 206 сўмни ташкил этди. Ихтиёримиздаги замонавий жиҳозланган маъмурий болалар боғчасида яйрабяшнаб, униб ўсаётган болажонларимиз ва уларга парвона бўлаётган тарбиячилар ҳамда мунтазам хизматда бўлиб келаётган ходималаримиз ҳам доимо ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг диққат эътиборидадирлар. Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам болалар боғчасида мактаб ёшигача тарбияланиб 1-синфга чиқиб кетаётган 51 нафар болага ўқув анжомларининг тўлиқ жамламаси қимматбаҳо совға тариқасида бепул берилиб, ушбу хайрли ва савобли тадбирга ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 500000 сўм маблағ сарфланди. Биринчи синфга биринчи маротаба бораётган азиз фарзандларимизнинг олган ана шундай совғалари уларнинг хотирасида бир умрга ўчмас из қолдириши шубҳасиздир.

2000 йил натижалари бўйича қимматбаҳо қоғозлар (акциялар)га тўланган умумий фойда (дивидент) пули 50000000 сўмни ташкил этди ва уни ўз вақтида ҳиссадорларга тарқатиб берилди. Ишлаётган ходимларимизга ойлик ва чорак мукофот пуллари, тушлик овқат пули, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун бир маротаба бериладиган моддий ёрдам пуллари мунтазам равишда бериб борилаяпти. Октябрь ойининг биринчи кунларида ишлаб турган ходимларга, декрет таътилидаги аёлларга, тасарруфимиздаги «Настарин» сиҳатгоҳи, маъмурий болалар боғчаси ва ётоқхонамизда ишлаётган ходимларнинг ҳаммасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ажратиб берилган маблағ 79000000 сўмдан ошиб кетди.

Ходимларни ҳар куни ишга олиб келиш, кундузги ва тунги иш навбати тугагандан кейин уйга олиб бориш учун 3 та «Отайўл» юмшоқ автобуслари ҳамда 2 та «Дамас» мўъжаз автобуслар хизмат қилаяпти. Уларнинг харажатлари ҳам корхона ҳисобидан тўлаб борилади.

Ҳиссадорлик жамияти ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини йил давомида соғломлаштириш ва дам олдириш масалалари ҳам доимий диққат марказимиздадир.

Ёзги мавсумда ходимларга сиҳатгоҳлар ва дам олиш уйларига йўлланмаларни 30 фоизлик нархида тарқатиб берган бўлсак, уларнинг фарзандларига ёзги соғломлаштириш масканларига 2750000 сўмлик йўлланмаларни бепул тарзда тақсимлаб бердик.

Ўз ўрнида шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, агросаноат ходимлари шаҳар касаба уюшма қўмитаси бизнинг амалга ошираётган барча хайрли ишларимиздан хабардор бўлган ҳолда вақти-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзларининг фикр ва таклифларини билдириб, қимматли маслаҳатларини бериб келмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси бундан буён ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини имкони борича ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиб, бундан кейин ҳам ана шу хайрли ишни давом эттириб бораверишни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар.

**Мирзаҳусан ЗУФАРОВ,**
**«Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**



***Тошкент кимё-фармацевтика корхонасида касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этиш, сиҳат-саломатликларини муҳофаза қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.***

***СУРАТДА: корхонанинг дам олиш хонасида бир гуруҳ ходимлар бўш вақтларини мароқли ўтказмоқдалар.***

***Сергей Любчич олган сурат.***

# Хайрли юмушлар

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналиши бўлмиш меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бир қатор эътиборга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда.**

Шаҳар қўмитаси 13 банддан иборат намунали тадбирлар рўйхатини тузиб, уни тизимдаги корхона ва ташкилотларга юборган ҳолда жойларда касаба уюшмаси қўмиталари ва маъмурияти 2001 йил жамоа шартномаларига киритишлари ва бажаришларини назоратга олди. Бунинг натижасида биринчи галда кам таъминланган, кўп болали, оиласида ногирон боласи бор ходимлар, боласини парваришлаш таътилидаги, 3 ёшгача, 12 ёшгача болалари бор ва бошқа тоифадаги аёллар сони аниқланиб уларга амалдаги қонунлар билан кафолатланган имтиёзлар берилмоқда.

Хусусан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган таътил бериш, зарарли меҳнат шароитида ишлаётган аёллар даромадига имтиёзли солиқ тўлаши, аёлларга 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш, маълум тоифадаги аёлларга қисқартирилган иш вақти ўрнатиш ва шу каби тадбирлар касаба уюшмаси қўмиталарининг доимий назоратида турибди.

Айниқса, ушбу тадбирлар агросаноат мажмуи тармоқлари нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари томонидан қандай бажарилганлиги касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг пленумида ҳар тарафлама муҳокама қилинди.

Пленумда нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари ўз иқтисодий ва молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашларга қонундагига нисбатан қўшимча турли кафолат ва имтиёзлар бераётганлиги таъкидланди. Масалан, кўпчилик корхоналарда аёлларга иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда қисқартирилган 35 соатли иш ҳафтаси ўрнатилган. Бундай имтиёз «Озиқовқатхомашё» ишлаб чиқариш тижорат фирмасида мактаб ёшига тўлмаган боласи бор аёлларга тааллуқли бўлса, «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» акциядорлик жамиятида фақат боласи 1-синфда ўқийдиган аёлларга тегишлидир. Баъзи корхоналарда эса ушбу имтиёздан барча аёллар фойдаланмоқдалар. Бу эса оналарга ўз фарзандларини тарбиялашда, уларнинг баркамол, соғлом инсон бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди.

Бошқа амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири, бу кам таъминланган кўп болали ходимларнинг мактаб ёшидаги фарзандларини ўқув қуроллари ва буюмлари билан таъминлашда маъмурият томонидан кўмаклашишдир. Жумладан, «Ўздавзахира»да ушбу мақсадларга 19 бола учун 158 минг сўм сарф қилинди. Жами корхона ва ташкилотларда сарф қилинган харажатлар миқдори 7,5 миллион сўмни ташкил этди.

Агросаноат мажмуи тармоқларида аёллар соғлиғини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб жорий йилнинг 10 ойида 358 нафар аёл ходимлар санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилиши учун 23227 минг сўм сарфланди. Ушбу йўлланмаларнинг 8 донаси «Она ва бола» сиҳатгоҳига берилган. «Настарин» ва «Ором» сиҳатгоҳларида эса 865 та ишчи ва хизматчилар ўз фарзандлари билан соғломлаштирилди ва бунга 16 миллион 669 минг сўм харажат қилинди. Бундан ташқари тоғ этагининг сўлим оромгоҳларида тармоқ меҳнаткашларининг 2270 дан зиёд фарзандлари дам олишди. Шулардан 180 та йўлланмалар жамоа шартномасига биноан корхона ҳисобидан бепул берилди. Бундай корхона ва ташкилотлар орасида «Тошкент нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, «Тошмаргёғ», «Агротаъминот БС» ва бошқа акциядорлик жамиятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Албатта, бундай мурувват касаба уюшмаси қўмитасининг маъмурият билан биргаликда ижтимоий шерикчилик тамойилига асосланиб меҳнаткашларни, айниқса аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш ишларининг натижасидир.

Касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг ўз фаолиятида тармоқ бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг эътиборини асосий вазифалардан бири бўлган меҳнаткашларга, хусусан аёлларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратилишига қаратмоқда.

Ҳозирги пайтда тармоқда аёллар тунги ишларга, шароити оғир ва зарар ишларга жалб қилинмаяптилар. Ушбу ишларда ишлаётган аёллар фақат ўз ихтиёрлари ва тиббий рухсат билан жалб қилинганлар ва барча кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, уларнинг даромадига 20 ва 25 фоизлик имтиёзли солиқ солинмоқда.

Айни бир пайтда шуни таъкидлаш лозимки, тизимнинг кўпгина молиявий бақувват корхона ва ташкилотлари ўз ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялабгина қолмай, катта ҳомийлик ишларини олиб бормоқдалар. Масалан, «Ўзбекистон шампани» акциядорлик жамияти оталиққа олган мактаб ва боғчани таъмирлаш учун 302 минг сўм моддий ёрдам берди.

Шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси бундай хайрли ишларни доимо қўллаб-қувватлайди ва бошқа корхона ва ташкилотларни бундай савобли ишларни амалга оширишга даъват этиб келмоқда.

**Шавкат ҚЎШОҚОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси раиси ўринбосари.**

## НИШОНДОРЛАРИМИЗ

# Ушалган орзу



**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллик тантаналари арафасида Республикамиз Президентининг Фармони билан бир гуруҳ санъат намояндалари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Тақдирланганлар орасида Республика Ёш томошабинлар театрининг етакчи актёри Абдусамат Жўрабоев ҳам бор эди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» деган юксак унвон берилди.**

1979 йилда Ўзбекистон телевидениеси орқали Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» номли қиссаси асосида телевизион спектакль намойиш этилди. Спектаклнинг бош қаҳрамони Ориф ролини ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган Абдусамат Жўрабоев ижро этган эди. У Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институтини битириб келиб, Республика Ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатиб, саҳнада анчагина қизиқарли роллар ижро этиб, маҳорати чархланди.

Тошкентнинг Чиноз туманида туғилиб ўсган Абдусамат Жўрабоевда актёр бўлиш орзуси ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари бошланганди.

— Мактабимизда драма тўгараги бўлиб, мен тенги ўқувчилар жон-жон деб шундай тўгаракларда иштирок этишар эди, — дейди Абдусамат Жўрабоев. — Адабиёт ўқитувчимиз бир куни «Бой ила хизматчи» пьесасини қўямиз, деб қолдилар. Менга, ўзим кутганимдек, Ғофур ролини эмас, Холмат ролини топширдилар. Спектаклимиз ўртоқларим орасида машҳур бўлиб кетди. Менга кўп вақтгача «Холматжон, чилим» деб ҳазиллашиб ҳам юришди.

Кейинчалик Республика Ёш томошабинлар театрига йўлланма билан ишга келган Абдусамат Жўрабоев, Исмоил Абдуллаев, Ҳабибулло Абдуллаев, Ёдгора Зиямуҳамедова, Шамсиқамар Мансурова сингари театрнинг етакчи актёрларидан кўп нарсаларни ўрганди.

Абдусамат тўртта одамнинг суҳбатига қўшилиб қолса, албатта бир-икки оғиз «теша тегмаган» гаплар топиб, дўстларини кулдиришга ҳаракат қилади. «Кулги кўнгил озиғи» дейдилар. Кулги бор жойда хотиржамлик бор, осойишталик бор, албатта. У иштирок этган турли учрашувлар, йиғинлар, тўйлар файзли ўтади. Одамлар юзидан табассум аримайди. Дарвоқе, Абдусамат болалар театрининг актёри. Ўзи эллик ёшга яқинлашиб қолганига қарамай болаларча беғубор қалбга эга.

Театр репертуарида Абдусамат ижро этган ролларни бир бошидан санаб ўтадиган бўлсак, у ижро этган шундай роллар борки, уларнинг айримлари тўғрисида тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

— Буни қарангки, — дейди Абдусамат мамнунлик билан, — болалигимда севиб томоша қиладиган Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой» спектаклидаги раҳматли устозим Воҳид Қодиров ижро этган Қовоқвой ролини вақтлар ўтиб, бир куни менга ҳам ўйнашлик насиб этади дейишса, ишонмас эдим. Театрга ишга келганимга кўп бўлмай, ўша спектаклни қайтадан саҳналаштирадиган бўлиб қолишди. Спектаклга Воҳид ака режиссёрлик қиладиган бўлдилар. Менга эса ўз қўллари билан кўчирилган роль дафтарларини бериб, «Мана Абдусамат, ишонаманки бу ролни сен мендан ҳам қизиқарлироқ қилиб ўйнайсан», дедилар. Аввалига ролнинг мағзи нимада экан, деб роса қийналдим. Бир куни Воҳид ака: — Ўғлим, ҳеч бозорга тушганингда қовоқлар сотиладиган раста олдидан ўтасанми? — деб сўраб қолдилар.

— Ҳа, ўтаман. Лекин қовоқлар қимир этмай турипти-ку, — дедим.

— Ҳа, баракалла, Қовоқвой образи орқали ана шунақа ишёқмас, тепса-тебранмас, беғам, дангаса боланинг тимсоли яратилиши керак, — дедилар.

Устозимнинг шу сўзлари Қовоқвой роли учун сеҳрли калит бўлди. Спектакль премьерасидан кейин Воҳид акам ёнимга келиб бағрилашига босиб табрикладилар-да «Сен яратган Қовоқвой мен яратган Қовоқвой образидан бир неча поғона юқори бўлди», дедилар. Бу мен учун энг катта баҳо эди.

Дарҳақиқат, Абдусамат Қовоқвой образи орқали кўпчилик ёш томошабинлар орасида машҳур бўлди. Ҳали-ҳалига қадар у ижодий учрашувларга бориб қолса «Ана Қовоқвой» деб болалар атрофига гавжум бўлиб олишади.

Абдусамат фақатгина ёш қаҳрамонлар ролини ижро этибгина қолмай, катта ёшдаги қаҳрамонлар образини ҳам ўзига хос салобат ва маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Чунончи Мольернинг «Учар табиб» спектаклидаги бош қаҳрамон Табиб, Тоғай Муроднинг «От кишнаган томонда» спектаклидаги Номоз Жувозкаш ва Вакил роли, «Мунажжим» спектаклидаги Мунажжим, ушбу сатрлар муаллифининг «Осмондан танга ёққан кун» спектаклидаги Бой ота ролларининг ҳар бири ўзига мос ва хос характерга эга роллар бўлиб, турли ижтимоий қатлам вакилларининг бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган хатти-ҳаракатлари ва қиёфасини яратишга муваффақ бўлди.

Шундан бўлса керак 1994 йилда ўтказилган Республика театрлари фестивалида Абдусамат Жўрабоев «От кишнаган томонда» спектаклида яратган Вакил ва Номоз жувозкаш (бир спектаклда икки образ) роллари ижроси учун «Энг яхши эркак роли» учун ажратилган соврин билан мукофотланди.

Абдусамат Жўрабоев Болалар театрининг актёри эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Ҳақиқатан, у болаларни севади. Унинг қалби ҳам болаларникидек беғубор. Шунингдек, Абдусамат ойнаи жаҳон орқали кўрсатиладиган «Оқшом эртаклари» кўрсатувининг доимий эртакчиси. Эртак қаҳрамонларининг ҳар бирини ўзига хос ва ўзига мос овози билан гапиради, хатти-ҳаракатларини ишонарли тасвирлайди.

Ҳа, боланинг кулгусидан, боланинг қувончидан кучли ҳиссиёт йўқ оламда. Абдусамат ўз умрини ана шундай хайрли ва савобли ишга бахшида этган санъаткорлар сирасига киради.

**Жўра МАҲМУД**

## МАЪНАВИЯТ

# Гўзаллик оламига саёҳат

**Куни кеча Ўзбекистон Амалий санъат музейининг кўргазмалар залида «Швейцариянинг халқ ҳунармандчилиги» номли кўргазма очилди.**

Мазкур кўргазмани Ўзбекистондаги Швейцария элчихонаси билан Амалий санъат музейи ҳамкорликда ташкил этишди. Унда Европа, яъни асрлар давомида ривожланиб, шаклланиб бораётган Швейцария халқ ҳунармандчилиги санъатини намойиш этиш билан бирга, санъат ҳеч қандай сиёсий тўсиқ билмай гўзаллик ва нафосатга ошно қалбларни жунбушга келтиришга қодирлигини яна бир карра исботлади.

Ушбу кўргазмага каштачилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, металлга бадиий ишлов бериш, уй-рўзғор буюмлари, ҳар қайси кантоннинг ўзигагина хос бўлган миллий кийимларни ифодалаган қўғирчоқлар тақдим этилган халқ ҳунармандчилиги асарлари ва қадимий Европа тарихий бебаҳо осориатиқалари келтирилган.

Швейцариянинг шимолида яшаган халқ ҳунармандлари бошқа кантонлар ҳунармандлари ишидан йўналиш ва усул, маҳсулотга безак беришда фарқ қилган. Шаҳарларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги қишлоқлардаги ҳунармандлар ишидан ўзига хослиги билан ажралиб турган.

XIX асрда Швейцарияда, айни унинг жанубий қисмида жойлашган Аппенцель, Берн ва Эмментал кантонларида кулолчилик санъати гуллабяшнади. Бу даврларга келиб ҳунармандчиликнинг анъанавий рамзи сифатида сигир ифодасига кенг ўрин берилганди. Мазкур анъанага маҳаллий ҳунармандлар аср охиригача амал қилдилар.

Бугунги кунларга келиб халқ ҳунармандчилиги асосан Швейцариянинг йирик шаҳарларида жойлашган халқ амалий санъати мактабларида ривожлантирилмоқда. Ушбу мактабларда манзаравий санъат турини яратишнинг янги технологияларидан сабоқ берилади ва халқаро маданий йўналишлар ҳам чуқур ўрганилади. Швейцария ҳунармандларигагина хос бўлган миллий, анъанавий безак ва нақшлар кам ҳолларда, лекин жуда ҳам ўринли ишлатилади.

2 февралгача давом этадиган кўргазмага нафосат, гўзаллик шайдолари, барча санъатсеварлар ташриф буюришлари мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## КИНО

# Янги фильм

**Хабар берганимиздек, Киночилар уйида яна бир янги «Дилхирож» номли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Фильмнинг бош режиссёри Юсуф Розиқов бўлиб, сценарийни ёзувчи Эркин Аъзамов Юсуф Розиқов билан ҳамкорликда яратишган.

Фильмнинг асосий мавзуи ҳақиқий муҳаббат ҳақида. Шу маънода уни муҳаббатнинг тантанаси, муҳаббат қўшиғи деб ҳам аташ мумкин. Ушбу фильм асосан Бойсунда суратга олинган бўлиб, қадимдан муқаддас саналган урф-одатларимиз фильмнинг асосий ғоясини ташкил қилади. Икки ёш, девордармиён қўшнилар шу урф-одатлар туфайли бир-бирларига кўнгил қўядилар. Лекин бу севишганлар муҳаббатига қаршилик кўрсатадиган «қора ботир» бўлмаса ҳам, уларнинг тўйлари пайсалга солиниб, чўзилиб кетаверади. Унга баъзи бир урф-одатлар ҳам тўғаноқ бўлади албатта. Фильмда кескин тўқнашув ва можаролар йўқ, унда рамзлар, рангин лавҳалар, томошабин қалбида завқ уйғотадиган ҳолатлар мавжуд. Фильмда бир қарашда одатдаги ихтилофлар, зиддиятлар йўққа ўхшасада, орият, ор-номус учун кураш кетади.

Ҳотам Файзиев операторлик қилган «Дилхирож» бадиий фильмидаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Т.Юсупова, З.Муҳаммаджонов, шунингдек, истеъдодли актёрлар Ф.Жалолов, Ф.Абдуллаев ҳамда икки севишганлар — Тоштемир ролини актёр А.Ҳамроев ва Санам ролини хонанда Севинч Мўминовалар маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

## ТАДҚИҚОТ

# Муштарак сўзлар луғатлари

**Ўзбекистонда шарқшунослик фани ривожига ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда. Бунда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари натижасида қатор йирик монографиялар ҳам юзага келди. Бу тадқиқотлар талайгина ўқув адабиётлари ва илмий нашрларнинг яратилишига асос бўлди.

«Араб тили дарслиги», «Фалсафа асослари» каби дарсликлар олий ўқув юртлари учун яхши қўлланмалар бўлиб хизмат қилмоқда. «Ҳиндистоннинг янги тарихи» ўқув қўлланмаси ҳам кўп нусхада чоп этилди.

Шарқшуносликка доир луғат адабиётларининг қатор нашрий намуналари ҳам тақдим этилди. «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати», «Арабча-ўзбекча-русча луғат» шулар жумласидандир.

Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодини ўрганишга хизмат қиладиган луғатлар ҳам босма юзини кўрди. «Лутфий девонининг изоҳли луғати», «Гулханий «Зарбул-масал»ининг изоҳли луғати» чоп этилиши ҳам институт олимларининг самарали изланиши натижаси бўлди.

Германияда нашр қилинган «Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар», «Ҳиндистоннинг янги тарихи» ўқув қўлланмалари ҳам шарқшунослик фанини ўрганишда зарур адабиётлардан бўлиб қолди.

**Анвар ВАЛИЕВ**



*Қиш завқи...*

## МОЗИЙ

# Халқ ҳунармандчилиги кўргазмасини кўриб...

## ёхуд Фурқат ва санъат

Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат 1889 йил баҳорида Тошкентга келиб, 1891 йилга қадар кўп нарсаларни билиб олганди. У илк қадамидаёқ кийиниш маданиятига эътибор бериб, айниқса халқ санъати ва унинг ижодкорларига меҳр қўйиб қолганди.

1890 йил, 2 сентябрь куни Тошкентда халқ ҳунармандлиги кўргазмаси очилганидан беҳад мамнун бўлган Фурқат «Тошканд шаҳридаги виставка хусусида» номли хотира-тақризини шеър билан баён этади (санъатшуносликда Фурқатни биринчи тақризчисанъатшунос дейилади).

**Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил,**
**Иккинчи сентябрь ойи яна бил.**
**Кириб виставкани қилдик томошо,**
**Ҳама ашё экан анда муҳайё.**
**Муаттар боғ сахни очилиб гул,**
**Томошабинлар эрди анда булбул.**

«Муаттар боғ сахни» дейилишидан маълумки, кўргазма очиқ жой, боғда очилганидан дарак бераяпти.

Фурқат 2 сентябрь куни Самарқанд, Бухоро шаҳридан келтирилган мато, ипак тўқийдиган машина, тахта тиладиган арра, чўян қозон кабиларни томоша қилиб, халқнинг ақл-идрокига қойил қолади. Ўзбек ҳунармандлик ва халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини нафақат маҳаллий халқ, турли миллат халқлари, ҳатто русларгача кўриб, қойил қолганларини шундай таърифлайди:

**Кўруб Руссиялар: эҳсон дедилар,**
**Мусулмондин ажиб бир фан дедилар.**

Кўргазма ниҳоятда катта бўлиб, Фурқат уни уч кун обдон томоша қилган. Унга бухороликларнинг дубулға, гурзи, камар, совут, қилич, ханжар каби ҳарбий анжомлари, атлас, беқасам, духоба ва зардўзликка оид амалий санъат турлари жуда ёқади. Бундан ташқари, Хоразмнинг урганчлик усталари, чеварлари ишларидан намуналар ҳам унда катта таассурот қолдиради. Ҳатто кўргазмадан жой олган тирикликча келтирилган зотли отлар, паррандалар ва бошқа турли хил табиат ҳайвонларигача томошабинларга манзур бўлганлиги шеърий баён этилган.

Кўргазмани Фурқат уч кун томоша қилди, дегандик, йўқ уч кун у учун камлик қилади. Давомини кўришни келгуси кунга қолдиради. Мақсадини шеърида шундай билдиради:

**Шикор асбоби алқисса мукаммал,**
**Баёнин қилмадим, лекин муфассал.**
**Эрур оқилға бу мужмал кифоя,**
**Сухан тафсили варна бениҳоя.**
**Забони хомани сўз қилса тақрир,**
**Газетда айларам минбаъд таҳрир.**

Фурқат кўргазмадан олган таассуротларини тўлатўкис ёзиб, газетада чиқаришни ният қилиб қўяди. Ўзи айтгандай қолганини тўртинчи куни томоша қилиб, санъат ҳақида ёзаётган шеърларини давом эттиради. Кўргазмада рус маданияти намуналари ҳам ўрин олишидан мамнун бўлган Фурқат:

**Ўрусидир бу санъат хоҳ фаранги,**
**Учар нозикшунос одамнинг ҳанги.**

дейишининг боиси у европаликларни милтиқ, тўп, фонус, лампочка каби ажойиб буюмларини энди кўриши эди. Ниҳоят, бу кўргазма ҳаммага ёққанини шундай таърифлайди:

**Қаёнда жаъм бўлса тўрт одам,**
**Ваё икки киши бир ерда баҳам.**
**Туриб виставка сўзин сўзлашурлар,**
**Яна кўрмакни бориб кўзлашурлар.**

Шоир Фурқат ижодида «санъат», «томошо», «томошобин», «виставка» каби атамалар учрайди. Бу уни санъатшунослик фанига, атамашуносликка қўшган ҳиссасидан дарак бераётир.

Зокиржон Ҳолмуҳаммад Фурқатнинг дўсти Муқимий бўлиб, унинг авлодлари тошкентлик эди. Тошкентда авлод-аждодлари борлиги ҳақида адабиёт ўқитувчиларим Латиф Холбоев, Обиджон Ниёзовлардан эшитгандим. Фурқат Муқимий орқали Тошкентда обрў-эътибор қозонди. «Туркистон вилояти» газетаси бош муҳаррири билан дўстлашиб ёзганларини чоп эттириб турди.

**Маҳмуд РАМАЗОН,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси**
**Санъатшунослик институтининг**
**илмий ходими.**

## ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

# Ўқув машғулотлари бошланди

**Тошкент шаҳар ҳокими томонидан «2002 йил Тошкент шаҳар маъмурияти ва аҳолисининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш борасида тайёргарлигини ошириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди.**

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш» ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қарори талабларининг бажарилишини амалга оширишни таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган муассасавий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, идора ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган аҳолининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш борасида тайёргарлигини янада такомиллаштириш таъкидланган.

Қарорга асосан шаҳардаги барча туманларда ўқув машғулотлари бошлаб юборилди. Дастлабки машғулотлар Яккасарой, Юнусобод, Бектемир, Собир Раҳимов туманларининг ташкилот ва идоралари, шунингдек, бир нечта мактабларида ўтказилди.

Фуқаро муҳофазасига доир ўқув-тактик машғулотлари аниқ тузилган режа асосида йил бўйи олиб борилади. Уни фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг етакчи мутахассислари, шунингдек республика институтларининг таниқли олимлари олиб боришади. Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фуқаро муҳофазаси масалаларига оид турли хил кўргазмали, ўқув-услубий қўлланмаларни чоп этмоқда.

Яна шуни қайд этиш лозимки, қарорга биноан шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқарувидаги маъмурият таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида, шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳокимликлари бошқарувидаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг маъмурият таркиби ва улардаги фуқаро муҳофазаси тузилмалари сардорлари шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бирлашган ўқув-услубий марказида ўқитилади.

**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.**

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Инсон — олам безаги.

• Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.

• Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

• Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир.

• Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

Байт:

**Мен инсон деган улуғ фикр-ла,**
**Ҳамиша кўксимни тутаман баланд.**

• Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.

• Ирода одамзоднинг фарқли белгисидир, фақат ақлгина иродани бошқариш учун абадий қоидадир.

• Қаноатли бўлмаган одам ҳеч қачон ўзига ўзи хўжайинлик қила олмайди.

• Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, кишида қаноат бўлмаса, топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интилса, оқибат хорлик азобини тортади. Шунинг учун ҳам айтадилар:

**Бўлса агар суву парча қотган нон,**
**Ўзга косасига кўз тикма, инсон.**
**Бўлсанг агар тожу-тахт учун муҳтож,**
**Заминни тахт деб бил ва қуёшни тож.**

Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойликдир, қаноатли киши ҳеч камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса деб одамлар олдида бош эгади», дейдилар.

Байт:

**Бировнинг олдига боргандан нон деб,**
**Уйда жим ўтирмоқ яхшидир жон деб.**
**Ҳар ким таъма йўлин тутса агар пеш,**
**Оқибат бир куни бўлғуси дарвеш.**

• Қадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъзозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, суянган тоғимиз — ота-онамиздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, қўни-қўшни, ҳамма-ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз.

ҲИКОЯТ. Бир кекса кампирнинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у уйлангач хотинининг сўзига кириб онасига овқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазоси етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрўэътибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маъракасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маъракалар қилмай қўя қол, мен жаннатдаман, — дебди сўнг икки мисра мана бу шеърни айтибди:

**Тиригимда айламадинг мени дил шод,**
**Ўлганимда хоҳ қилгин шод, хоҳ қилма шод.**

• Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини қадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавкатларини кўтаришга аюҳаннос солиб, мукофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Ҳеч бир қадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар, буни ўзлари билиб, ўзлари эзиладилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунақа экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилару, бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни қадрлашни, меҳр-оқибат кўрсатишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатаклик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отлиққа чиқаришга ҳамла ҳам қиладилар.

«Қилмиш-қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегишли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам қадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг қадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик ғолиб чиқолмайди.

ҲИКОЯТ. Бир доно ҳакимдан одамлар сўрашди:

— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

Доно ҳаким жавоб берди:

— Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челак тоза сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булғайди. Она табиат эса сувни ҳаволатиб, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ доғидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунё гуллаб-яшнаб омон яшаяпти...

Байт:

**Боқаман кўзда зиё, мангу барқарор дунё,**
**О, кенгга кенгдир дунё, торга эса тор дунё.**
**Кимдир ҳаёт ошиғи, баланд парда қўшиғи,**
**Суйганга суюк дунё, суймаганга дор дунё.**